



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NOMIDAN
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Фарғона шаҳри 2023 йил 9 январь 4-1501-2202/13027-сонли иш

Фарғона туманлараро иқтисодий судининг судьяси Д.С. Акрамова Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармасининг даъвогар “НОМИ манфаатини кўзлаб судга киритган жамияти манфаатини кўзлаб судга киритган жавобгар “НОМИдан 10 000 сўм зарар (воситачилик йиғими), 628 516 сўм шартноманинг бошланғич нархи учун тўланган закат, 24 000 сўм почта харажати ва суд харажатларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича кўзғатилган иқтисодий ишни суд биносида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар “НОМИ манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси билан мурожаат этиб жавобгар “НОМИдан 10 000 сўм зарар (воситачилик йиғими), 628 516 сўм шартноманинг бошланғич нархи учун тўланган закат, 24 000 сўм почта харажати ва суд харажатларини ундиришни сўраган.

Даъво аризаси киритилган санада даъво суммаси республика ўрнатилган базавий ҳисоблаш миқдори – 300 000 сўмнинг йиғирма баравари, яъни 6 000 000 сўмдан ошмаганлиги учун иш соддалаштирилган иш юритиш тартибда юритилган.

Даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш, иқтисодий ишни кўзғатиш ва ишни кўриш ҳақидаги суд ажрими жавобгар **давлат рўйхатга олинган манзили бўйича юборилган, шунингдек жавобгарнинг шартномада кўрсатилган телефон рақамига СМС хабарномаси** юборилгани учун жавобгар иш бўйича ўз эътирозларини судга тақдим этиши ҳуқуқи ҳақида тегишли тартибда огоҳлантирилган деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 203-4-моддасининг саккизинчи қисмига асосан суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чакиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқилади. Шунинг учун иш суд мажлиси ўтказилмасдан кўриб чиқилган.

Даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлардан кўринишича, “Farg'onaazot” АЖ корпоратив буюртмачи сифатида ва жавобгар **“AZIMJON SOF SAVDOSI” МЧЖ** иштирокчи сифатида махсус ахборот порталида электрон давлат харидларида иштирок этиш учун ҳар бири аванс тўлови сифатида операторнинг ХККПга **628 516 сўмдан** закат ва 10 000 сўмдан воситачилик йиғим пули **ўтказиб беришган.**

Электрон давлат хариди натижаларига кўра даъвогар АЖ ва ва жавобгар (сотувчи) ўртасида **2020 йил 15 сентябрь кuni 158947-сонли** келишилган



20 112 515,70 сўм нархда компьютер программаларини етказиб бериш ҳақидаги шартнома тузилган (1277307).

Шартноманинг 2.2-бандига асосан сотувчи ҳисоб-китоб клиринг палатаси (бундан буён матнда ХККП деб юритилади) хабарномасини олганидан бошлаб 5 иш куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини зиммасига олган. Шартноманинг 2.4.-бандида транспорт харажатлари сотувчини зиммасида бўлиши; шартноманинг 2.5.-бандида товарни етказиб берилгани сотувчи томонидан расмийлаштирилган ва тарафлар имзоланган ҳисоб-фактура билан тасдиқланиши шартлари назарда тутилган.

Шартнома 2020йил 15 сентябрь куни тузилганига қарамасдан сотувчи ҳозирга қадар товарни етказиб бермаган.

Тарафлар ўртасидаги низо маҳсулот етказиб бериш шартномаси бўйича жавобгар товарни етказиб бериш мажбуриятини бажармаганидан келиб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (бундан буён матнда ФК деб юритилади) 234-моддасида “Мажбурият — фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса — қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексада кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади” деб белгиланган.

ФК 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФК 356-моддасининг биринчи қисмига асосан шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви билан белгиланган баҳода ҳақ тўланади.

ФК 437-моддасига асосан маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи — сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини 32-моддасининг биринчи қисмига кўра, “Давлат буюртмачиси харид қилиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан таклифларнинг гаров, қафолат, закатат тарзида ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши зарурлиги тўғрисида талаб белгиланган ҳақли.”

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисида”ги Низом билан харидларни амалга ошириш тартибга солинади. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3015).

Низомнинг 1 ва 34-бандларига асосан **корпоратив** буюртмачи ва иштирокчи электрон давлат харидларида иштирок этиш учун ўзларининг ҳисоб-китоб-клиринг палатасидаги ҳисоб рақамларига закатат тўловларини ўтказадилар. Низомнинг 35-1-бандига асосан **бюджет буюртмачилар** электрон давлат харидларида иштирок этиш учун ўзларининг ХККПдаги ҳисоб рақамларига операторнинг воситачилик йиғимини ўтказадилар (35-1-банди); корпоратив буюртмачилар ва иштирокчилар, уларнинг ХККПдаги ҳисоб-рақамларида аванс тўловининг етарли миқдори мавжуд бўлган



тақдирда электрон давлат харидларида иштирок этадилар (37-банди); бюджет буюртмачилари эълон ёки оферта бўйича Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизимидан томонидан банд қўйилган суммасининг, шунингдек уларнинг ҲҚКПдаги ҳисобрақамларида операторнинг воситачилик йиғими суммасининг етарли миқдори мавжуд бўлган тақдирда, электрон давлат харидларида иштирок этадилар (37-1-банди).

ҲҚКП буюртмачидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича келиб тушган тўлов суммасини банд қилиб қўяди ва пул маблағлари келиб тушган куннинг эртасидан бир иш кунидан кечикмаган муддатда электрон шаклда тўловни амалга ошириш бўйича ижрочига хабарнома юборади.

Мазкур хабарнома ижрочига товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилади 45-банди).

Шунингдек Низомнинг 52-бандига кўра, “Буюртмачи томонидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлиги ҳақидаги маълумот тақдим қилинмаганда, ҲҚКП ушбу шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш муддати тугагач уч иш кунидан сўнг:

бюджет буюртмачиларнинг шартнома бўйича пул маблағларига суд ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунига ёки у бекор қилингунига қадар банд қўяди;

корпоратив буюртмачи томонидан шартнома бўйича киритилган маблағлардан, закатдан ташқари, бандни бекор қилади;

корпоратив буюртмачи ва ижрочининг закатига суд ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг тегишли қарори қабул қилингунига ёки у бекор қилингунига қадар банд қўяди;

бажарилмаган шартномалар бўйича маълумотларни Молия вазирлигига юборади.”

Низомнинг 53-бандига асосан “ҲҚКП суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закатни банддан ечишни ва/ёки тегишли ҳисоб рақамга ўтказишни амалга оширади.

Бунда, ҲҚКП ижрочининг закати жарима сифатида бюджет буюртмачисига ўтказилиши тўғрисидаги суднинг қонуний кучга кирган қарори ёки давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия қарори асосида закатни бюджет буюртмачисининг бюджетдан ташқари тегишли ҳисоб рақамига ўтказишни амалга оширади.”

Шунингдек келтирилган Низомнинг 54-бандида портал, электрон давлат харидларининг яқунларига кўра, битимнинг ҳақиқий суммасидан операторнинг воситачилик йиғимини буюртмачи ва иштирокчининг аванс тўловларидан ушлаб қолишни белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 майда 3016-рақам орқали рўйхатдан ўтказилган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (2022 йил 8 июлда Низом ўз кучини йўқотган) асосан корпоратив буюртмачилар ва иштирокчилар харидларни электрон дўконда тартиб-таомили орқали амалга оширишдан олдин ҲҚКПдаги шахсий ҳисобварағига иштирокчи оферта қийматининг 3 фоизи миқдоридаги закатни жойлаштиради (24-банд).

Агар нарх сўрови мобайнида иштирокчи томонидан таклиф қилинган нарх буюртмачи томонидан танланган нархдан 15 ва ундан ортиқ фоизга паст бўлса,



иштирокчи буюртмачи томонидан танланган офертанинг нархи ва ўзи томонидан таклиф этилган нархнинг фарқи миқдоридаги қўшимча закатни харид предметининг ҳар бир бирлиги учун олдиндан киритиши шарт.

Қўшимча закат мавжуд бўлмаган тақдирда ушбу таклифлар электрон тизим томонидан автоматик равишда рад этилади (25-банд).

ФК 985-моддасининг биринчи-бешинчи қисмларида “Ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Қонунчиликда ёки шартномада жабрланувчиларга зарарни тўлашдан ташқари товон тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин. Зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби билан етказилмаганини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади. Қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин,” деган қоида келтирилган.

Суд даъвогарнинг жавобгардан 10 000 сўм воситачилик йиғимни зарар сифатида, шунингдек харид қилиш тартиб-таомилларига кўра закат пулини жарима сифатида ундириш талаби амалдаги қонунчиликда асослангани учун суд ушбу талабни қаноатлантиришни лозим деб топади.

ИПК 118-моддасида назарда тутилган қоидаларга асосан жавобгардан республика бюджетига 300 000 сўм давлат божини ва 24 000 сўм почта харажатини даъвогар фойдасига ундириш лозим бўлади.

Юқоридагиларга асосан, суд ИПК 118, 176-180, 186-188, 203-5-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъво қаноатлантирилсин.

Даъвогар “НОМИ фойдасига жавобгар “НОМИдан 10 000 сўм зарар (воситачилик йиғими), 628 516 сўм шартноманинг бошланғич нархи учун тўланган закат ва 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Жавобгардан республика бюджетига 300 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори устидан Фарғона туманлараро иқтисодий суд орқали Фарғона вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича апелляция судлов ҳайъатига ўн кун муддат ичида апелляция шикоят (прокурор протест) келтиришга ҳақли.

Раислик этувчи

Д.С. Акрамова

